



ABDULLAQODIRY NOMIDAGI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGETIK INSTITUTI

MILLY TIL TARAQOIQYOTI – MULATISTIQBOLNING GAROVU

“Butunjahon ona qilikun” munosabati bilan o’tkazilgan
ilmiy-amaliy konferensiya

ISBN 978-9943-382-20-06



MATERIALLARI



ИНСОН КАМОЛОТИ ВА УНИНГ ЮКСАЛИШИДА АЛИШЕР НАВОЙ ҚАРАШЛАРИ Ш.Камолова, Ш.Шакарбоева, талаба У.Усанов (ЖДПИ)

Буюк боболармизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгига қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга хурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим рόль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупрок, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим. Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувафақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий – тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим – тарбия ишларига тадбиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти А.И.Каримовнинг қўйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойикдир.

«Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун куришишдан чарчамадик. Маслагимизни наслу насабамизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта хисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусиятидир».

Бу борада устозлар ташаббуси, халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, уларга ҳурмат уйғотилиши, миллий анъаналаримиз ва урф одатларимизнинг сақланиши ҳамда мазмунан бойитилиши, шунингдек, маданият, санъат, илм-фан, техника-технология, таълим-тарбия ҳар томонлама тараққий этишида муҳим рол ўйнайди.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик. Буларнинг исботи сифатида қуидаги буюк мутафаккирлар А. Навоий фикрларидан намуналар келтирамиз:

Давлат арбоби сифатида фаолият олиб борган Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимлари, мусика, ҳаттотлик, тасвирий санъат ҳамда меъморчиликнинг ривожи йўлида амалий ҳаракатларни олиб бориш билан бирга ёшларга таълим ва тарбия бериш масалаларига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида комил инсон образларини яратиб, улар қиёфасида намоён бўлувчи маънавий-ахлоқий сифатларни улуғлаган бўлса, таълимий-ахлоқий муаммоларни ёритувчи асарларида эса комил инсонни шакллантириш жараёнининг мазмуни, ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатлари, йўллари, шакл ва усуслари борасидаги мулоҳазаларни баён этади.

Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари, шу жумладан, комил инсонни шакллантириш концепциясининг мазмунини ўрганиш муайян даврларда долзарблик касб этган. Шу боис аллома томонидан яратилган асарлар мазмунидан англанадики, уларда илгари сурилган қарашларнинг марказида инсон ва унинг камолотини таъминлаш ғояси туради

Алломанинг тасаввуридаги комил инсон ўз қиёфасида энг юксак инсоний фазилатлар мужассам эта олиши лозим. Чунончи, у ижодкор, қобилиятли, шу билан бирга илм-фанга нисбатан мұхаббатли бўлмоғи зарур. Алишер Навоийнинг қарашларига кўра, ана шундай сифатларнинг соҳиби бўла олган инсонгина ўз

кучи ҳамда ақлу заковатига ишонади. Ўз кучи ва ақлу заковатига каттиқ ишона олган инсонгина турли қийинчиликларга бардош бера олади, у ўта мураккаб муаммоларни ҳам ечимини топа олишга қодир. Илм-фан сирларидан хабардор бўлишнинг инсон аҳамиятини ёритар экан, аллома айни ўринда илмни коронгуликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлини нурафшон этадиган куёш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсата оловчи омил сифатида таърифлайди. Ушбу фикр мутафаккир томонидан яратилган «Назмул-жавоҳир» асарида қўйидагича баён этилади:

Ким олим эса нуктасида барҳақ де они,
Гар базм тузар биҳишти мутлақ де они.
Ҳар кимсаки йўқ илм ахмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса учмақ де они.

Мазкур тўртликнинг мазмунида илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиш йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмайди, зеро, илм инсоннинг баҳт-саодатини таъминлашга хизмат қиласди деган ғоя ўз аксини топган.

Алишер Навоий илм – фаннинг инсон камолотидаги ўрни, билимларни ўрганиш асосида ҳосил бўлган ақл ва идрокнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ақлий тарбия ва унинг моҳиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратади. Аллома инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий хислатлари хусусида сўз юритади ҳамда мазкур сифатларнинг ҳар бирига тўлақонли таъриф бериб ўтади. Қаноат, сабр, тавозе (адаб), ўзгаларга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, ишқда вафодорлик, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, юмшоқ кўнгиллик (хилм) каби хислатларни ижобий фазилатлар сирасига киритади ва уларнинг ҳар бирига таъриф берганидан сўнг танбех ва ҳикоятлар воситасида шахсий қарашларини далиллар билан тўлдиради.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлармиз натижаларининг кўрсатишича, ёшлар илмий дунёқарашини кенгайтиришда А. Навоий қарашларидан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Шу сабабли ҳам ёшлар дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишида фойдаланиш мумкин. Айниқса, «Педагогик психология» фани тарбия психологияси қисмида кенг фойдаланилса ижобий самараларни беради. Натижада ақлий,

ахлоқий тарбия ва илмий дунёқараашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти ёшлар онгидан янада мустаҳкам ўрин олади. Бу борада ёшлар дунёқараашининг асосий таркиблари ва фарқларигача таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.

Демак, ёшларимизга шахс камолоти пиллапояларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия беришдаги барча хатти-ҳаракатлар (ўқув қўлланмалар, дарсликлар, таълимнинг ахборотли технологиялари ва ҳ.к.)да қуидаги омиллар асосий диққат-эътиборда туриш лозим экан:

- миллий-маънавий қадриятларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар тайёрлаш, уларни ёшларимиз онгига сингдиришга қулай ҳолга келтириб, яъни ахборот кўринишига келтириб тизимларга (қомусий ва ҳадис илми олимлари, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, файласуфлар, ҳалқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган расм-руsumлар ва урф-одатлар, анъаналар ва ҳ.к.) ажратиш;

- ёшларимизда шахс камолати босқичлари асоисда Ватан туйгусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупроқ, Она Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга ҳурмат уйғотиш;

- ёшлар тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишман» каби камолат босқичларидан аниқ далиллар асосида ибрат-намуна тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

- шахс ижодий камолоти босқичларини талабалар онгига сингдиришда аниқ фанлардан таълим-тарбия беришда қомусий олимлар, донишманд, файласуфлар ижоди ва фаолиятидан фойдаланиш, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича эса шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, ҳалқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ҳадис илми соҳибларини ибрат-намуна қилиб таълим-тарбия бериш ижобий педагогик самараларни беради;

- талабалар онгига шахс ижодий камолоти босқичларини илмий, маънавий қадрият сифатида сингдириш уларни ижодий камолот сари интилишига туртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимликни ва комилликни ҳавас қиласи.

Инсон камолоти ва унинг юксалишида Алишер Навоий қарашлари Ш.Камолова, Ш.Шакарбоева, талаба У.Усанов (ЖДПИ).....	1 2 3 - 1 2 7
Алишер Навоий асарларида комил инсон тарбиясининг мазмун моҳияти Ш.Камолова, Н.Пўлатова, Ф.Юсупова(ЖДПИ).....	1 2 7 - 1 3 1
Особенности инновационных методов в обучении русскому языку	
<i>Шукурова Ф.Х., преподаватель (ДжГПИ).....</i>	1 3 2 - 1 3 4
<i>Exercises for learning to read in english Abraimova N., Shoyimova Sh. (JDPI).....</i>	1 3 5 - 1 3 7
Яхшилик ва эзгулик куйчиси И. Фармонов, ўқитувчи (ЖДПИ).....	1 3 7 - 1 4 1
Ш.Холмирзаев ижодида ибораларнинг ўрни Мамалусупова С.(ЖДПИ).....	1 4 2 - 1 4 5
Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий ўйинчокларнинг ўрни Содиков Ҳ.М., Содикова Д.Р.(ЖДПИ).....	1 4 5 - 1 4 7
O'Genrining satirasida metafora va o'xshatishlarning qo'llanilishi Boymatov A. A., Baxriddinova D. O. (JDPI).....	1 4 7 - 1 4 9
“Бобурнома”асарида қўлланилган аллоҳ сифати билан боғлиқ бўлган айrim киши номлари Холмуродов X. (ЖДПИ), Арапова Д (Зарбдор ХҚ КҲҚ).....	1 4 9 - 1 5 2
Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг педагогик асослари Содикова Д.Р., Ҳ.М.Содиков(ЖДПИ).....	1 5 2 - 1 5 4
Yoshlar tarbiyasida milliy va umumbashariy qadriyatlarning o'rni o'qituvchi R.Yarmatov, xorijiy tillar fakulteti I kurs talabasi N. Qurbanova (JDPI).....	1 5 4 - 1 6 0
Нур қидириб Ж.Лутфуллаев (ЖДПИ).....	1 6 1 - 1 6 3
Oybekning “Guli va Navoiy” dostonida insonparvarlik g'oyasining ifodalanishi L. Sindorov (JDPI).....	1 6 4 - 1 6 6
Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиёти ҳакида айrim мулоҳазалар ўқитувчи Ҳ.Ш.Ҳамдамова (Жиззах ПИ).....	1 6 6 - 1 7 0
Араб тили ва ёзувининг шаклланиши хамда унинг Ўзбекистонда ўқитилиши ўқитувчи Турдибаев Н. (ЖДПИ). -----	1 7 0 - 1 7 5
Shaxsnинг barkamol va komil inson bo'lib rivojlanishida tarbiyaning o'rni Sanaqulova Z. (JDPI).....	1 7 5 - 1 7 8
“Мехробдан чаён” романда диалектизмларнинг қўлланиши ўқитувчи Д.Файзулаева (ЖДПИ).....	1 7 8 - 1 8 1
Бошлангич таълимда эртаклардан фойдаланишининг аҳамияти Байтураева Н., Ахмедова Ш. (ЖДПИ ўқитувчилари) Исомиддинова М. С. (МБТ факультети талабаси).....	1 8 1 - 1 8 4
Ўқувчи-ёшларда дизайнерлик тафаккури элементларини шакллантириш-нинг илмий-назарий асослари Ахмедова С., Сиддиқова С. (ЖДПИ).....	1 8 4 - 1 8 6
Ingliz tilida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini tekshirish va baholash Sh. Shoimov, o'qituvchi,Sh.Abdugapparova, talaba (JDPI).....	1 8 6 - 1 8 9
Rules of being a perfect reading teacher o'qituvchi Hamidova S.B. (JDPI).....	1 8 9 - 1 9 2
The values of the contents of texts in lessons of foreign languages Almatova U. (JDPI).....	1 9 2 - 1 9 5
Экономический быт и социальная структура общества в “Авесте” Отаджонова Д. Б., преподаватель, Акбашева А. Х. студент (ДжГПИ).....	1 9 5 - 1 9 7
Турли тизимли тилларда имло қоидаларининг қўлланилиши ўқитувчи З. Жумаева, Имомова Г., талаба (ЖДПИ).....	1 9 8 - 2 0 0
Алишер Навоийнинг тарихий асарлари лексикаси таркибидаги архаик сўзлар кўлами Абдувалиева Д. (ЖДПИ), Аҳмеджонов Н. (Жиззах ВЛХҚТМОИ).....	2 0 0 - 2 0 2
Talabalarda ogohlilik va fidoyilik madaniyatining shakllanishi Soibnazorova M. (JDPI).....	2 0 3 - 2 0 6
“Дунёнинг ишлари” киссасида фразеологик бирликларнинг қўлланиши М. Муҳиддинова (Жиззах ПИ 1-АЛ).....	2 0 6 - 2 0 9
Тилимиз лексикаси тараққиёти З.Жумаева, ўқитувчи, Низамова Ф.,талаба (ЖДПИ).....	2 0 9 - 2 1 1
“Тушда кечган умрлар” романидаги ўхшатишларнинг талқини Ф. Кўшақова (Жиззах ПИ 1-АЛ).....	2 1 2 - 2 1 4
Тил таълимида ўқувчиларнинг гап тузиш малакаларини ошириш йўллари Д. Бобожонова (“Умид” ИДУМ).....	2 1 4 - 2 1 7
Проблемный метод обучения в средней школе С. З. Суярова, Ш.Н. Очилова,	2 1 8 - 2 2 0